



O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi



2021



Фуқаролар учун  
**Бюджет**



# Фуқаролар учун **БЮДЖЕТ** | 2021

Тошкент – 2021

“2021 учун тасдиқланган бюджет бўйича Фуқаролар учун бюджет” нашри Бирлашган миллатлар ташкилоти тараққиёт дастури (БМТТД) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш” қўшма лойиҳасини амалга ошириш дастури доирасида тайёрланди.

Ушбу нашрда келтирилган фикр ва ҳулосалар муаллифнинг ўз нуқтаи назари бўлиб, БМТ, шунингдек БМТТД ва БМТ га аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

БМТТД деярли 170 та давлатда ва ҳудудларда иш олиб бориб, ҳаёт даражасини яхшилаш, тенгсизликни қисқартириш ва инклюзив жамият тузишга қўмаклашиб келмоқда. Биз давлатларга ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, ҳамкорлик учун имкониятларни кенгайтириш, институционал имкониятларни ошириш ва ривожланиш натижаларини қўллаб-қувватлаш учун давлатлар барқарорлигини оширишда қўмаклашиб келмоқдамиз.

БМТТДнинг Ўзбекистонга қўмаги умумий ўзаро боғлиқ мақсадларга, яъни барқарор иқтисодий ривожланиш, самарали давлат бошқаруви, иқлим ўзгаришига мослашиш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича ислохотларни жадаллаштиришда Ҳукуматни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.



# МУНДАРИЖА

|                                                                                                                                                                                                                     |    |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| КИРИШ                                                                                                                                                                                                               | 4  |
| БЮДЖЕТ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?<br>(БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ,<br>КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ҚАМРОВИ, ХАРАЖАТЛАРИ<br>ВА ТАҚЧИЛЛИГИ ҲАМДА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ<br>ВА ТУЗИШ ТАРТИБИ) | 6  |
| 1   2021 ЙИЛ УЧУН МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР<br>ВА 2022-2023 ЙИЛЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАР                                                                                                                                 | 8  |
| 2   2021 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ                                                                                                                                                                                    | 12 |
| ДАРОМАДЛАР                                                                                                                                                                                                          | 12 |
| ХАРАЖАТЛАР                                                                                                                                                                                                          | 19 |
| БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ ВА УНИ ҚОПЛАШ МАНБАЛАРИ                                                                                                                                                                           | 47 |
| 3   ДАВЛАТ ҚАРЗИ                                                                                                                                                                                                    | 48 |
| МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР                                                                                                                                                                                                  | 52 |
| АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР                                                                                                                                                                                                   | 53 |
| БЮДЖЕТ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?<br>(БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР, БЮДЖЕТ<br>ОЧИҚЛИГИ ВА БЮДЖЕТ ТАҚВИМИ)                                                                                                     | 56 |
| БОҒЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТ                                                                                                                                                                                              | 58 |



## КИРИШ

Молия вазирлиги 2021 йил учун тасдиқланган бюджетга бағишланган навбатдаги “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашрини тақдим этмоқда.

Китобхонлар мазкур нашр саҳифаларида ёритилган бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги асосий ўзгаришлар билан танишиб олишлари мумкин бўлади. Консолидациялашган бюджет ўз ичига нималарни олади? Ҳисоб палатаси ва ижроия ҳокимияти органларига қандай янги ваколатлар берилган? Бюджет тизими барқарорлигини қандай механизмлар таъминлайди? Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини тузиш тартибида нималар ўзгарди? Мазкур ва бошқа саволларга китобхонлар нашр бошида ҳамда сўнгида келтириб ўтилган “Бюджет қонун ҳужжатларида нималар ўзгарди?” деб номланувчи бўлимда жавоб топишлари мумкин.

Асосий бўлимлар 2021 йил учун бюджет ҳамда Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларига асос бўлиб ҳисобланган макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозларига бағишланган. Китобхонлар эътиборига Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни билан тасдиқланган Давлат бюджети даромадларининг прогнозлари ва харажатларининг параметрлари тўғрисидаги батафсил маълумотлар тақдим этилган.

2021 йилда иқтисодий фаолликнинг тикланиши, иқтисодиётнинг ўсиши ҳамда солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар ҳисобига даромадларнинг барча турлари бўйича (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва бошқа солиқлардан ташқари) ўсиш прогноз қилинмоқда. Сезиларли равишда ўсиши кутилаётган даромад моддалари бўлиб, қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва акциз солиғи хизмат қилди.

Давлат бюджетининг харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар салмоқли бўлиб қолмоқда. Ушбу харажатлар умумий харажатларнинг 52 фоизини ташкил этади. Коронавирус пандемияси билан боғлиқ бўлган хатарларнинг сақланиб қолаётганини эътиборга олган ҳолда 2021 йилда 3 трлн сўм коронавирусга қарши курашиш тадбирлари ва вакциналар ҳарид қилишга йўналтирилади.

Шунингдек, “Давлат бюджети” бўлимида бюджет тақчиллиги ва унинг қоплаш манбалари тўғрисида маълумотлар ҳам келтирилган. Прогноз қилинаётган даромадлар ва харажатларнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда 2021 йилда Консолидациялашган бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиз миқдорида прогноз қилинмоқда.

Алоҳида бир бўлимда давлат қарзининг ҳолати ва динамикаси тўғрисидаги маълумотлар ёритилган бўлиб, давлат қарзи ўсишига қарамасдан макроиқтисодий барқарорлик даражасига хавф солмайдиган даражада қолмоқда. Мазкур мақсадлар учун 2020 йилдан бошлаб ташқи қарзларни Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилишга чекловлар киритилди.

Молия вазирлиги мазкур нашр фойдаланувчиларнинг кенг оммасига фойдали бўлишига умид билдиради ҳамда фуқаролар билан мулоқотни кенгайтиришга тайёр эканлигини маълум қилади.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазирлиги**



# БЮДЖЕТ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

(БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ, КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ҚАМРОВИ, ХАРАЖАТЛАРИ ВА ТАҚЧИЛЛИГИ ҲАМДА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ТУЗИШ ТАРТИБИ)

## 2020

Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджет таркибига:

- Давлат бюджети;
- давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари;
- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари.

### КОНСОЛИДАЦИЯ- ЛАШГАН БЮДЖЕТ ҚАМРОВИНИ КЕНГАЙТИРИШ



## 2021

Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджет таркибига:

- Давлат бюджети;
- давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари;
- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари киради.

### БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛА- РИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ



Бюджет жараёни иштирокчиларининг қуйидагиларни назарда тутувчи ваколатлари қайта кўриб чиқилди:

- Ҳисоб Палатаси бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;
- маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тегишли маҳаллий бюджетларни қабул қилиш ва тасдиқлаш, маҳаллий бюджетларга ўзгартиришлар киритиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ҳамда Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини тасдиқлаш;
- маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг бюджет сўровини тузиш мақсадида ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларига маҳаллий бюджетлар ҳисобидан ажратиладиган бюджет маблағларининг чегаравий миқдорларини тасдиқлаш;
- Молия вазирлигининг икки босқичдан иборат ўрта муддатга мўлжалланган бюджет жараёнидаги роли ва функцияларини қайта кўриб чиқиш (тузиш ва тайёрлаш).

### КОНСОЛИДАЦИЯ- ЛАШГАН БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ



- 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинадиган, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобан молиялаштириладиган кредитлар (қарзлар) ҳисобидан амалга оширилувчи ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларига йўналтириладиган маблағлар бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджет харажатларида акс эттирилади.

### КОНСОЛИДАЦИЯ- ЛАШГАН БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИНИНГ ЧЕГАРАВИЙ МИҚДОРИ

ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиз


Ўзбекистон Республикаси номидан (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) ва Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинишига ташқи қарзни жалб қилиш бўйича янгидан имзоланаётган келишувларнинг соф чегаравий ҳажми **5,5 млрд АҚШ доллари**, жумладан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларни молиялаштиришга 2,5 млрд АҚШ доллари ҳисобида этиб белгиланди.

### БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинаётган давлат қарзлари суммаси **ялпи ички маҳсулот йиллик прогнозининг 60 фоизидан ошмаган миқдорда** этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси номидан (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) ва Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинишига ташқи қарзни жалб қилиш бўйича янгидан имзоланаётган келишувларнинг соф чегаравий ҳажми **5,5 млрд АҚШ доллари**, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш 2,2 млрд АҚШ доллари (давлат қимматли қоғозлари – 5 трлн. сўм миқдорида) ва инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга – 3,3 млрд АҚШ доллари ҳисобида бўлиши белгиланди.

### ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТ- ЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ



Қуйидагиларни назарда тутувчи Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тузиш тартиби қайта кўриб чиқилди:

- ўрта муддатга мўлжалланган фискал стратегияни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби ва муддати;
- Давлат бюджетини шакллантирилишида бюджетдан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини етказиш тартиби;
- бюджет сўровларини кўриб чиқиш ва тақдим этиш тартибини қайта кўриб чиқиш;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини қайта кўриб чиқиш;
- Бюджетнома таркибини кенгайтириш: асосий йўналишлар, мақсад ва вазифалар, тармоқлар ривожланиши бўйича сифат ва миқдор кўрсаткичларни қўшиш.

## 1


# 2021 ЙИЛ УЧУН МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА 2022-2023 ЙИЛЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАР

COVID-19 коронавирус пандемияси натижасида юзага келган инқироз ҳамда унинг олдини олиш мақсадида киритилган чеклов чоралари сезиларли ижтимоий-иқтисодий зарбаларга олиб келди.

2020 йилда миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръати инқироз шароитида сезиларли равишда пасайди (**1,6%гача**). Иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан иқтисодий ўсишни тиклаш ва таркибий ислохотларни давом эттириш юзасидан амалий ҳаракатлар режаси қабул қилинди<sup>1</sup>. Мазкур ҳаракатлар режаси ҳукумат, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сўй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни, тизимли ислохотларни давом эттириш мақсадида шароит яратишни ва иқтисодиётни ривожланишига янада туртки берувчи янги имкониятларни ва захираларни аниқлашни («ўсиш нуқталари») назарда тутади.

2021 йилда макроиқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий ўсиш **5,1 фоизни** ташкил этиши кутилмоқда.

## ЯИМ ЎСИШ СУРЪАТИ



2021-2023 йилларда иқтисодиёт тармоқларининг ўсиш суръатларини инқироз давригача бўлган миқдорларга босқичма-босқич тикланиши прогноз қилинмоқда.


<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги «2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 526-сон қарори»

## ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЯИМ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ, %




ЯИМ тармоқ тузилмасида саноат ва қурилиш соҳалари улушининг ортиши прогноз қилинмоқда. Кўпроқ зарар кўрган тармоқлардан хизматлар соҳаси (туризм, турар-жой хизматлари, транспорт, умумий овқатланиш ва бошқалар) бўлиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши пасайишига олиб келди.

## ТАРМОҚЛАР КЕСИМИДА ЯИМ ТАРКИБИ, %



2020 йил якунида инфляция даражаси 11,1 фоизни ташкил этди, ўтган йилга нисбатан пасайиши иқтисодий фаолликнинг тушиши, истеъмол товарлари ва бирламчи товарларга талабнинг ошиши, кредит қўйилмалари ва пул массаси ҳажмининг ортиши ҳамда миллий валютанинг девальвацияси билан боғлиқ бўлди. 2021 йилда ва келгуси икки йилда инфляция даражаси 7-11% даражада бўлиши прогноз қилинмоқда.


## ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ, %



Чегараларнинг ёпилиши, хомашё ва бутловчи қисмларни етказиб беришда транспорт-логистика чекловлари ҳамда айрим корхоналар фаолиятининг тўхтатилиши ташқи савдо ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатди. 2020 йилнинг якунларига кўра, импорт ҳажми 2019 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан камайди ҳамда хомашё товарларига (табиий газ ва мисга) бўлган талаб ва нархларнинг тушиши ҳисобига экспорт ҳажмининг ўсиш суръатлари сезиларли пасайди.

Жаҳон иқтисодиёти босқичма-босқич тикланиши ва ташқи савдо операцияларининг янгиланиши ҳисобига 2021 йилда ташқи савдо ҳажмининг 2019 йилдаги инқироз давригача бўлган миқдорларга етказиш прогноз қилинмоқда.

### ТАШҚИ САВДО БАЛАНСИ, МЛН АҚШ ДОЛЛАРИ




### Экспортни рағбатлантириш бўйича режалаштирилаётган чоралар:

**экспорт географиясини кенгайтириш**  
(Европа ва Осиё бозорларига чиқиш)

**экспорт билан шуғullanувчи корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**  
(жумладан, транспорт харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар бериш орқали)

2021-2023 йилларда жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмини саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ва йирик инфраструктура лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган устувор йўналишларни сақлаб қолган ҳолда инқирозгача бўлган давр кўрсаткичларига етказиш прогноз қилинмоқда.

### ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА КРЕДИТЛАР, МЛН АҚШ ДОЛЛАРИ



2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида, 2021-йил «**Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили**» деб номланди.

**ДАВЛАТ ДАСТУРИ  
ҚУЙИДАГИ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ  
НАЗАРДА TUTАДИ<sup>1</sup>:**

- Ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, республикада талаб юқори бўлган касблар бўйича иқтидорли мутахассисларни нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда тайёрлаш, ҳамда физика фани ва чет тиллари бўйича узлуксиз таълим сифатини ошириш;
- Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш;
- Иқтисодиётни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишнинг пойдеворини яратиш;
- Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, шу жумладан давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 3 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон фармони

## 2

2021 ЙИЛ УЧУН  
ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

## Даромадлар

2020 йилда коронавирус пандемияси шароитида иқтисодий фаолликнинг тушиши ва иқтисодиёт суръатларининг пасайиши солиқ тушумларини камайишига олиб келди. 2021 йилда иқтисодий фаолликнинг тикланиши, иқтисодиётнинг ўсиши ҳамда солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар ҳисобига даромадларнинг барча турлари бўйича (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва бошқа солиқлардан ташқари) ўсиш прогноз қилинмоқда. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларнинг камайишига олтин ва кумуш учун солиқ ставкаларининг 20 фоиздан 15 фоизга тушиши билан боғлиқ бўлди (Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва Навоий кон-металлургия комбинати учун).

2021 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ  
БЮДЖЕТИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШДА  
ҚЎЙИДАГИЛАР  
ИНОБАТГА ОЛИНГАН:

- инфляция даражаси 9-10% бўлган ҳолда ЯИМнинг 5,1% га ўсишини таъминловчи мамлакатнинг 2021 йил учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози;
- консолидациялашган бюджет бўйича солиқ юкини 26,2% дан 24,5% гача ҳамда Давлат бюджети бўйича 22% дан 21,3% га пасайишини кўзда тутувчи, солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ва бошқа йўналишлар бўйича 2021 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари;
- стратегик аҳамиятга эга айрим турдаги товарларнинг жаҳон бозоридаги нархлари ўзгаришининг прогнози.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ БАРҚАРОРЛИГИНИ САҚЛАШ МАҚСАДИДА ҚЎЙИДАГИ СОЛИҚ  
СТАВКАЛАРИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ:

- Қўшилган қиймат солиғи ставкаси – 15%
- Фойда солиғи ставкаси – 15%
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси – 12%
- Айланмадан олинадиган солиқ ставкаси – 4%
- Дивиденд кўринишидаги фойда солиғи ставкаси – 5%
- Юридик шахсларнинг мол-мулкига олинадиган солиқ – 2%
- Қишлоқ хўжалиги ерларидан олинадиган ер солиғи ставкаси – 0,95%
- Ижтимоий солиқ ставкаси – 12% / 25%

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАР БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАҚСАДИДА:

- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси, қишлоқ хўжалиги учун кўзда тутилмаган ерлар бўйича ер солиғи ставкаси, жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи ставкаси 15% га индексация қилинди. 2021 йилда жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи суммаси 2020 йилда ҳисобланган сумманинг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозим.
- табиий сув ҳавзаларига қайта қуйиладиган сув ҳажмини солиқ базасидан чиқарилди (мисол учун, ГЭС).
- маҳаллий ҳукумат органларига ер солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш ваколати берилди.





Мобиль алоқа хизмати кўрсатганлик учун акциз солиғи ставкаси

**20%** дан **15%** га пасайтирилди

## 2021 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ПРОГНОЗИ

2021 йилда Давлат бюджети даромадларининг таркибида бюджетга тушаётган умумий тушумларнинг 42,4 фоизини таъминловчи билвосита солиқлар улуши ошиб бормоқда.

### ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ТАРКИБИ, МЛРД СЎМ



Фойда солиғи



Қўшилган қиймат солиғи



Мол-мулк солиғи



Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ



Айланмадан олинadиган солиқ



Акциз солиғи



Ер солиғи



Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи



Божхона божи



Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ



Бошқалар

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ: АСОСИЙ МАНБАЛАР КЕСИМИДА

**Билвосита солиқлар – 62,5 трлн сўми**, Давлат бюджети даромадларининг 42,5% ини ҳамда ЯИМнинг 9,1% ини ташкил қилади.

Билвосита солиқлар тушумининг асосий қисми (75,1%) ҚҚС ва акциз солиғи тушумларининг ортиши ҳисобига таъминланади.

ҚҚС бўйича тушумлар **47,0 трлн сўм** миқдорида прогноз қилинмоқда, ўсиш суръати жорий йил кутилаётган тушумга нисбатан 50,6% ни ташкил этади.

|                                                            |                         |
|------------------------------------------------------------|-------------------------|
| Мамлакатда ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар учун ҚҚС | 29,3 трлн сўм (+ 43,2%) |
| Импорт товарлар учун ҚҚС                                   | 24,5 трлн сўм (+ 24,1%) |
| ҚҚС қайтарилиши                                            | 6,9 трлн сўм            |

ҚҚС бўйича тушумларнинг прогнозида, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ҳамда ушбу солиқ бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган ўзгаришлар ҳисобга олинган.

2021 йилда ҚҚС бўйича кўзда тутилаётган ўзгаришлар:

### Айланма ҳажмидан қатъий назар, ҚҚС тўловчи корхоналар тоифасини қуйидагилар ҳисобига кенгайтириш\*:

- алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво чакана савдоси билан шуғулланувчи стационар савдо шаҳобчалари;
- бозорлар ва савдо комплекслари;
- 30 га дан ортиқ суғориладиган ери мавжуд бўлган фермер хўжаликлари.

### Солиқ кодекси билан берилган имтиёзларни бекор қилиш:

- жисмоний тарбия ва спорт муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек спорт иншоотларининг маданий-оммавий тадбирларни ўтказишдан олинган даромадларининг бир қисми учун\*\*;
- қатъий суммада белгиланган ҳамда ёрдамчи ҳисобланган банк хизматлари, шунингдек суғурта хизматларининг айрим турлари.

**Қўшилган қиймат солиғининг ноль ставкасини қўллаш**, шунингдек солиқ тўловчиларга ҳисобланган ҚҚС суммасидан ортадиган, ҳисобга олинадиган қисмини қайтариш (манфий ҚҚС) амалиётини сақлаб қолиш.

\* ҚҚС занжирининг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда уни ҳисоблаш ва тўлашдан қочишнинг олдини олиш мақсадида.

\*\* Бюджетдан молиялаштириладиган жисмоний тарбия ва спорт муассасалари учун имтиёзлар сақланиб қолади.

Акциз солиғи бўйича прогноз – **11,8 трлн сўмни**, 2020 йил кутилаётган тушумга нисбатан 1,0% га ортиқ миқдорда.

### АКЦИЗ СОЛИҒИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ПРОГНОЗЛАРИ



Акциз солиғи ставкаларининг ўзгариши алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ставкаларининг ошишини ҳамда мамлакатда ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган товарлар ставкаларининг унификация қилинишини ўз ичига олади. Мутлақ суммада белгиланган акциз солиғи ставкалари ҳар йили инфляция даражасидан паст бўлмаган миқдорда индексация қилиниши зарур ҳисобланади ва 2021 йилда акциз солиғи ставкалари 2 босқичда индексация қилинади.

### АКЦИЗ СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ ИНДЕКСАЦИЯСИ

| №  | Товарлар                                                           | 2020 йил                                                                                       | 2021 йил                                                                     |
|----|--------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------|
| 1  | Алкоголь маҳсулотлари                                              | қатъий белгиланган суммада (ми-сол учун, 10 литр ароқ – 98 000 сўм, 10 литр пиво – 10 600 сўм) | 01.02.2021 (ўртача + 13,5%)<br>01.10.2021 (ўртача + 7%)                      |
| 2  | Сигаретлар – қатъий белгиланган ставка                             | 1 000 донаси учун 163 500 сўм                                                                  | 01.02.2021 г. – 172 000 сўм (+ 5,2%)<br>01.10.2021 г. – 185 500 сўм (+ 7,6%) |
| 3  | Сигаретлар – адвалор ставка                                        | 9%                                                                                             | 10%                                                                          |
| 4  | Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализацияси | 1 литр учун 285 сўм                                                                            | 01.02.2021 – 1 литр учун 350 сўм                                             |
| 5  | Суюлтирилган газ (пропан)                                          | 1 литр учун 285 сўм                                                                            | 01.02.2021 – 1 литр учун 350 сўм                                             |
| 6  | Сиқилган газ (метан)                                               | 1 куб.метр 435 сўм                                                                             | 01.02.2021 – 1 куб. метр учун 500 сўм                                        |
| 7  | Бензин (Аи-80)                                                     | 200 000 сўм/тонна                                                                              | 01.02.2021 – 240 000 сўм/тонна                                               |
| 8  | Бензин (Аи-90,92,93,95 ва юқори)                                   | 250 000 сўм/тонна                                                                              | 01.02.2021 – 275 000 сўм/тонна                                               |
| 9  | Авиакеросин                                                        | 180 000 сўм/тонна                                                                              | 01.02.2021 – 200 000 сўм/тонна                                               |
| 10 | Дизель ёқилғиси                                                    | 200 000 сўм/тонна                                                                              | 01.02.2021 – 240 000 сўм/тонна                                               |
| 11 | ЕСО Дизель ёқилғиси                                                | 180 000 сўм/тонна                                                                              | 01.02.2021 – 216 000 сўм/тонна                                               |
| 12 | Дизель ёки карбюраторли (инжекторли) двигателлар учун мотор мойи   | 280 000 сўм/тонна                                                                              | 01.02.2021 – 340 000 сўм/тонна                                               |

## МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ВА ИМПОРТ ҚИЛИНГАН ТОВАРЛАР УЧУН АКЦИЗ СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИНИ УНИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА 2021 ЙИЛДАН:



Қиздириладиган тамаки; чекиладиган, чайналадиган, хидланадиган, сўриладиган (снюс) ва кальян учун тамаки маҳсулотлари; никотинли тамаки-сиз снюс; таркибида никотин мавжуд бўлган суюқликлар учун акциз солиғи киритилмоқда.



Импорт ва маҳаллий ишлаб чиқаришга мўлжалланган нефть маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкалари мувофиқлаштирилди.



Заргарлик буюмлари, гиламлар, кумушдан ясалган ошхона анжомлари, ПВХ моноиплари, пластмасса плёнкалар: скотч, пластмассали идишлар, электро-техника ва бошқа маҳсулотлар, тракторлар ва ярим прицепплар, озиқ-овқат маҳсулотлари учун акциз солиғи бекор қилинади.



Импорт учун хорижий валютада қатъий миқдорларда белгиланган ставкалар, миллий валютага ўтказилади.

Божхона божлари – **3,8 трлн сўмни**, 2020 йилдаги амалдаги тушумга нисбатан ўсиш суръати 5,6% ни ташкил этади.

**Бевосита солиқлар – 46,8 трлн сўмни**, Давлат бюджети даромадларининг 31,8% ва ЯИМнинг 6,8% ини ташкил этади.

Бевосита солиқлар тушуми прогнозида иқтисодийнинг кутилаётган ўсиш суръати, янги корхоналарнинг ишга туширилиши, иш ҳақи миқдорининг ошиши, шунингдек узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича имтиёзларнинг бекор қилиниши инобатга олинган.



Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи\*

**16,9 трлн сўм**  
(+11,7%)



Фойда солиғи

**27,8 трлн сўм**  
(- 3,2%)



Айланмадан олинадиган солиқ



**2,2 трлн сўм**  
(+59,5%)

\*Якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган даромад солиғи (қатъий белгиланган солиқ ўрнига), дивиденддан олинадиган ва декларация асосида тўланадиган даромад солиғи қиради.

Карантин чекловлари шароитида кичик бизнес субъектлари товар айланмасининг пасайиши ҳисобига 2020 йилда тушумлари сезиларли даражада камайган айланмадан олинадиган солиқ бўйича энг юқори ўсиш кутилмоқда.

**Ресурс ва мол-мулк солиғи – 19,4 трлн сўм**, Давлат бюджети даромадларидаги улуши 13,2% ва ЯИМ даги улуши 2,8% ни ташкил этади.

Ушбу солиқ тури бўйича, ер солиғи ставкаларининг йиллик индексацияланиши ҳамда айрим турдаги объектлар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича пасайтирилган ставкалар миқдорининг оширилиши ҳисобига даромадларнинг ошиши кутилмоқда.



#### ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ


| 200 кв.м гача | 200 дан<br>500 кв.м гача | 500 кв.м дан<br>юқори | қишлоқ жойларда<br>200 кв.м дан юқори |
|---------------|--------------------------|-----------------------|---------------------------------------|
| 0,23%         | 0,3%                     | 0,4%                  | 0,3%                                  |

**Бошқа даромадлар – 18,4 трлн сўмни**, Давлат бюджети даромадларидаги улуши 12,5% ва ЯИМ даги улуши 2,7% ни ташкил этади.

Бошқа даромадлар - асосан давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендлар, давлат божлари, йиғимлар ва жарималар ҳисобидан шаклланади.

Давлат бюджети даромадлари кўп жиҳатдан йирик солиқ тўловчилар туркумига кирувчи корхоналарнинг иқтисодий ҳолатига боғлиқ бўлади.


## ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТУШУМЛАРИДАГИ УЛУШИ, 2021 ЙИЛ УЧУН ПРОГНОЗ



## Харажатлар


2021 йилда Давлат бюджети харажатлари 165 879 млрд сўм миқдорида тасдиқланган, бу ЯИМнинг 24,1 фоизи миқдори ташкил этиб, 2020 (20,1 фоиз) йилга нисбатан қарийб 4 фоизга кўп.

### ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАРКИБИ, 2021 йил учун, МЛРД СЎМ



Ижтимоий соҳа харажатлари оширилмоқда, 2021 йилда ушбу йўналишларга **86 622 млрд сўм** ёки жами харажатларнинг 52 фоизи режалаштирилган

### ИЖТИМОИЙ ХАРАЖАТЛАР ТАРКИБИ, 2021 йил учун, МЛРД СЎМ



Вазирлик ва идоралар ўзларига ажратилган маблағларни мустақил тарзда тақсимлайдилар ва жорий молия йилининг 10 мартига қадар харажатлар сметаларини тасдиқлайдилар. Шу муносабат билан 1 апрелга қадар қуйидаги келтирилган йўналишларда ўзгартириш бўлиши эҳтимоли мавжуд.

2021 йилда ижтимоий харажатларнинг 40 фоизи таълим харажатларини ташкил қилади.

### 2021 ЙИЛ УЧУН ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИ


|                      |                                                                                                                     |                      |
|----------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|
| 34 590,3<br>млрд сўм |  Мактабгача таълим                 | 6 459,2<br>млрд сўм  |
|                      |  Умумий таълим                     | 23 802,3<br>млрд сўм |
|                      |  Ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими | 1 671,3<br>млрд сўм  |
|                      |  Олий таълим                       | 2 657,5<br>млрд сўм  |



Мактабгача таълим – 6 459,2 млрд сўм

Мактабгача таълим харажатлари болаларни мактабгача таълим билан қамровини оширишни инобатга олган ҳолда кўпайтирилган.

### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ, 2021 ЙИЛ УЧУН, МЛРД СЎМ



Мактабгача таълим соҳасида Давлат тадбиркорлик соҳалари билан фаол ҳамкорлик ўрнатиб келмоқда. Давлат хусусий-шерикчилик лойиҳалари устувор равишда Тошкент шаҳри ва Нукусда, вилоятлар бўйсунивудаги ва бошқа маъмурий бошқарув марказларидаги вилоятлар ҳамда туманлардаги шаҳарлар амалга оширилмоқда. 2021 йилда Мактабгача таълим соҳасида хусусий секторнинг улуши 25 фоизни ташкил этади.


**ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| КЎРСАТКИЧЛАР                                   | 2020   | 2021 (параметрлар) |
|------------------------------------------------|--------|--------------------|
| Мактабгача таълим муассасалари сони            | 15 156 | 18 345             |
| Давлат мактабгача таълим муассасалари          | 5 960  | 5 981              |
| ДХШ асосидаги мактабгача таълим муассасалари   | 1 112  | 1 166              |
| оилавий мактабгача таълим муассасалари         | 8 084  | 11 198             |
| қуввати (минг ўрин)                            | 849    | 852                |
| гуруҳлар сони (минг)                           | 42     | 46                 |
| тарбияланувчилар сони, жами (минг)             | 1 346  | 1 508              |
| Давлат мактабгача таълим муассасаларида        | 1 048  | 1 131              |
| ДХШ асосидаги мактабгача таълим муассасаларида | 103    | 108                |
| оилавий мактабгача таълим муассасаларида       | 195    | 270                |
| 3-7 ёшдаги болалар сони (минг)                 | 2 770  | 2 818              |
| мактабгача ёшдаги болалар қамрови, фоизда      | 49     | 54                 |
| Давлат бюджети харажатлари, млрд сўм.          | 5 540  | 6 459              |



**Умумий таълим – 23 802,3 млрд сўм**

2021 йилда умумий таълим йўналишига Давлат бюджетидан таълим соҳасига ажратилган маблағларнинг қарийб 70 фоизи тўғри келади. Қолаверса умумий таълимга ажратилган маблағларнинг асосий қисми иш ҳақи харажатларини ташкил этади.

**2021 ЙИЛ УЧУН УМУМИЙ ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИ СТРУКТУРАСИ, МЛРД СЎМ**

## УМУМИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

|                                                                 |                                                                                   |                                                                      |                    |
|-----------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------|--------------------|
| <p>Умумий таълим муассасаларининг сони</p> <p><b>10 520</b></p> |  | Умумтаълим мактаблари                                                | 9 718              |
|                                                                 |                                                                                   | Махсус мактаблар                                                     | 22                 |
|                                                                 |                                                                                   | Мактаб-интернатлари                                                  | 221                |
|                                                                 |                                                                                   | «Меҳрибонлик» уйлари, «SOS» болалар шаҳарчалари, болалар маҳаллалари | 225                |
|                                                                 |                                                                                   | «Баркамол авлод» болалар мактаблари                                  | 219                |
|                                                                 |                                                                                   | Болалар musiқа ва санъат мактаблари                                  | 316                |
|                                                                 |  | Ўқувчилар сони                                                       | 6 369<br>минг киши |

Мактабдан ташқари таълим – **872,0** млрд сўмБОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ  
ВА УЛАРНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ, 2021 йил учун

|                                                                                     |                                          |                                                                                     |                            |                                                                                       |                            |
|-------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------|
|  | Болалар musiқа ва санъат мактаблари сони |  | Таълим олувчи болалар сони |  | Давлат бюджети харажатлари |
|                                                                                     | 316                                      |                                                                                     | 85 488                     |                                                                                       | 462,4 млрд сўм             |

БАРКАМОЛ АВЛОД БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ  
ВА УЛАРНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ, 2021 йил учун

|                                                                                     |                                          |                                                                                     |                            |                                                                                       |                            |
|-------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------|
|  | «Баркамол авлод» болалар мактаблари сони |  | Таълим олувчи болалар сони |  | Давлат бюджети харажатлари |
|                                                                                     | 219                                      |                                                                                     | 157 804                    |                                                                                       | 409,6 млрд сўм             |

## 2021 йил бошига болани ўқитиш учун бир ойлик ота-оналар тўлови суммаси\*

|                                                                                            | Тошкент ш. | Вилоят марказлари | Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа аҳоли пунктлари |
|--------------------------------------------------------------------------------------------|------------|-------------------|-------------------------------------------------------|
|  Муסיқа | <b>75%</b> | <b>50%</b>        | <b>30%</b>                                            |
|  Санъат | <b>50%</b> | <b>30%</b>        | <b>20%</b>                                            |

\*Базавий ҳисоблаш миқдориға нисбатан олинади



## Олий ва ўрта махсус таълими – 4 328,8 млрд сўм

Кадрлар тайёрлаш харажатлари лойиҳасидаги асосий ўзгаришлар ўрта махсус касб-хунар таълим соҳасида харажатларни қайта йўналтириш билан боғлиқ. Бу ўз йўлида 2020-2021 ўқув йилларида ўз таркибига академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва мактаблари ҳамда техникумларни оловчи ўрта махсус касб-хунар тизимини жорий этиш билан боғлиқ.

### ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ХАРАЖАТЛАРИ, МЛРД СЎМ

|                                                   | 2020<br>(параметрлар) | 2021<br>(параметрлар) |
|---------------------------------------------------|-----------------------|-----------------------|
| Академик лицейлар                                 | 299,2                 | 265,5                 |
| Касб-хунар коллежлари                             | 1 419,4               | 368,1                 |
| Касб-хунар мактаблари                             | -                     | 927,2                 |
| Техникумлар                                       | -                     | 110,5                 |
| Йўналишли тадбирлар ва малака ошириш институтлари | 280,2                 | 312,0                 |
| Олий таълим муассасалари                          | 1 885,5               | 2 223,3               |
| Методик, техник ва бошқа тадбирлар                | 127,2                 | 122,3                 |
| <b>Жами харажатлар</b>                            | <b>4 011,5</b>        | <b>4 328,8</b>        |

### ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ, 2021 ЙИЛ УЧУН

|                    |                  |                                   |
|--------------------|------------------|-----------------------------------|
| <b>Ўқитувчилар</b> | <b>Ўқувчилар</b> | <b>Давлат бюджети харажатлари</b> |
| 18,7 минг киши     | 265,9 минг киши  | 1 671, 3 млрд сўм                 |



## Олий таълим – 2 223,3 млрд сўм

|                                            |         |
|--------------------------------------------|---------|
| • Иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар | 1 302,0 |
| • Стипендиялар                             | 762,1   |
| • Бошқа харажатлар                         | 159,2   |

Бюджетдан молиялаштириладиган олий таълим муассасалари –  
**110**

|                                                                                       |                                                             |                                                   |
|---------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------|
| Штат бирликлари –<br><b>18 409</b>                                                    | шундан ўқитувчи -<br>профессорлар таркиби –<br><b>8 953</b> | Талабалар сони<br>(йил якунига)<br><b>115 848</b> |
| Тасдиқланган қабул квотаси<br>(барча таълим формалари бўйича) –<br><b>46 456</b> чел. | Бир талаба учун ўртача харажат –<br><b>19 189</b> тыс сўм   |                                                   |



## Соғлиқни сақлаш соҳасига – 19 648 млрд сўм ажратилган

|                                                                                              |        |
|----------------------------------------------------------------------------------------------|--------|
| • Иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар                                                   | 12 463 |
| • Коронавирус пандемиясига қарши курашиш харажатлари                                         | 3 000  |
| • Давлат дастурлари учун кўзда тутилган чора-тадбирлар ва марказлашган тадбирлар харажатлари | 1 010  |
| • Тиббиёт муассасаларинг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш    | 526    |
| • Дори-дармон харажатлари                                                                    | 1 795  |
| • Озиқ-овқат харажатлари                                                                     | 614    |
| • Бошқа харажатлар                                                                           | 240    |

Соғлиқни сақлаш харажатларининг 60 фоизидан ортиғи тиббиёт ходимларининг иш ҳаққини ташкил этади.

*Доимий COVID-19 пандемияси шароитида коронавирус инфекциясига қарши курашиш тадбирларига 3 000 млрд сўм маблағ ажратилган*

| 1 киши, 1 чақирув ҳамда 1 ўрин кунларига ҳисобланади*                                       | сўм    |
|---------------------------------------------------------------------------------------------|--------|
| • Қишлоқ врачлик пунктлари (1 кишига)                                                       | 4 890  |
| • Оилавий поликлиникалар (1 кишига)                                                         | 4 890  |
| • Кўп тармоқли поликлиникалар (1 кишига)                                                    | 6 350  |
| • Тез тиббий ёрдам хизмати (1 чақирувга)                                                    | 7 700  |
| • Туман (шаҳар) марказий шифохоналар (1 ўрин кунга)                                         | 13 220 |
| • Ҳудудий болалар кўп тармоқли марказлари (1 ўрин кунга)                                    | 24 658 |
| • Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари (1 ўрин кунга) | 48 315 |
| • Силга қарши курашиш диспансерлари ва шифохоналар (1 ўрин кунга)                           | 19 316 |
| • Онкология касалликлари муассасалари (1 ўрин кунга)                                        | 46 391 |
| • Эндокринология муассасалари (1 ўрин кунга)                                                | 23 099 |
| • Юқумли касалликлар шифохоналари (1 ўрин кунга)                                            | 18 169 |
| • Перинатал марказлар ва туғруқхоналар (1 ўрин кунга)                                       | 24 610 |

\*Бир киши томонидан бир сутка давомида эгаллаб туриладиган ётоқ ўрнига тенг шартли белги

Давлат дастурлари учун кўзда тутилган чора-тадбирлар ва марказлашган тадбирлар харажатлари ўсиб келмоқда.



### 14,0 млрд сўм

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури

### 90,9 млрд сўм

ОИВ-инфекцияси келтириб чиқарадиган касалликлар тарқалишига қарши курашиш учун

### 24,7 млрд сўм

Сил ва ўпканинг носпециффик касалликлари тарқалишига қарши курашиш учун-харажатлар

### 37,2 млрд сўм

Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга ёрдам кўрсатиш

### 20,0 млрд сўм

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш

### 126,0 млрд сўм

Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига

### 61,7 млрд сўм

Онкология хизматини янада ривожлантириш учун

### 6,6 млрд сўм

Малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш учун харажатлар

### 4,4 млрд сўм

Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш учун харажатлар

### 198,6 млрд сўм

Болаларни вакцинация қилиш учун

### 39,3 млрд сўм

Болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш тадбирлари учун харажатлар

### 137,8 млрд сўм

Нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш учун харажатлар

### 25,8 млрд сўм

Республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатиш учун харажатлар

### 27,8 млрд сўм

Нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш

### 2,4 млрд сўм

Грипп юктириш ва унинг оғир асоратлари билан курашиш учун

### 14,2 млрд сўм


Юқумли касалликларни тарқалишини олдини олиш учун

### 28,0 млрд сўм

«Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш

### 42,1 млрд сўм

Бошқа тадбирлар




#### 2021 йилда қуйидагиларга йўналтирилади:

- **130 млрд сўм** гемодиализга муҳтож беморларни медицина хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш;
- Тамаки маҳсулотларига акциз солиғидан тушган маблағларнинг 7 фоизи Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига гематологик, онкогематологик ва бошқа юқумсиз касалликларга чалинган одамларга тиббий ёрдам кўрсатилади. Ушбу касалликларнинг олдини олишни кучайтириш бугунги кунда соғлиқни сақлашнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Жорий йилда Ўзбекистон Республикасида Гематология ва Трансфузиология хизматларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида<sup>1</sup>ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.02.2020 йилдаги ПҚ-4592-сонли қарори.

## БОЛАЛАРНИ ВАКЦИНАЦИЯ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРОФИЛАКТИК ЭМЛАШ КАЛЕНДАРИ

| ЁШ            | ВАКЦИНА                                                                                                                                                                                                                             |
|---------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 сутка       | (ВГВ) гепатит В га қарши вакцина                                                                                                                                                                                                    |
| 2-5 сутка     | (БЦЖ) силга қарши вакцина                                                                                                                                                                                                           |
| 2 ойлик       | (ОПВ-1) полиомиелитга қарши вакцина<br>(Рота-1) ротавирус вакцинаси – вирусли диареяга қарши вакцина<br>(Пента-1) дифтерия-кўкйўтал-қоқшол-гепатит В-хиб инфекцияга қарши вакцина<br>(Пневмо-1) пневмококк инфекцияга қарши вакцина |
| 3 ойлик       | (ОПВ-2) полиомиелитга қарши вакцина<br>(Рота-2) ротавирус вакцинаси – вирусли диареяга қарши вакцина<br>(Пента-2) дифтерия-кўкйўтал-қоқшол-гепатит В-хиб инфекцияга қарши вакцина<br>(Пневмо-2) пневмококк инфекцияга қарши вакцина |
| 4 ойлик       | (ОПВ-3) полиомиелитга қарши вакцина<br>(Рота-3) ротавирус вакцинаси – вирусли диареяга қарши вакцина<br>(Пента-3) дифтерия-кўкйўтал-қоқшол-гепатит В-хиб инфекцияга қарши вакцина<br>(ИПВ) инактивланган полеомелит вакцина         |
| 12 ойлик      | (КПК-1) қизамиқ-паротит-қизилчага қарши вакцина<br>(Пневмо-3) пневмококк инфекцияга қарши вакцина                                                                                                                                   |
| 16 ойлик      | (ОПВ-4) полиомиелитга қарши вакцина<br>(АҚДС-4) дифтерия-кўкйўтал-қоқшолга қарши вакцина                                                                                                                                            |
| 6 ёш          | (КПК-2) қизамиқ-паротит-қизилчага қарши вакцина                                                                                                                                                                                     |
| 7 ёш (1 синф) | (ОПВ-5) полиомиелитга қарши вакцина                                                                                                                                                                                                 |
|            | жорий харажатлар                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | 38,5           |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар                                                                                                                                                                                                                      |                |
| <b>37.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси</b>                                                                                                                                                                                                                                                  | <b>199,6</b>   |
|            | <i>шу жумладан:</i>                                                                                                                                                                                                                                                                                              |                |
|            | жорий харажатлар                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | 182,6          |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар                                                                                                                                                                                                                      | 17,0           |
| <b>38.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)</b>                                                                                                                                                                                                                            | <b>4,0</b>     |
|            | <i>шу жумладан:</i>                                                                                                                                                                                                                                                                                              |                |

| Т/р        | Кўрсаткичлар                                                                                | Сумма          |
|------------|---------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|
|            | жорий харажатлар                                                                            | 4,0            |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар |                |
| <b>39.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси</b>                                            | <b>1 375,7</b> |
|            | шу жумладан:                                                                                |                |
|            | жорий харажатлар                                                                            | 1 058,7        |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 317,0          |
| <b>40.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Олий суди</b>                                                    | <b>632,6</b>   |
|            | шу жумладан:                                                                                |                |
|            | жорий харажатлар                                                                            | 557,6          |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 75,0           |
| <b>41.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди</b>                                          | <b>3,6</b>     |
|            | шу жумладан:                                                                                |                |
|            | жорий харажатлар                                                                            | 3,6            |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар |                |
| <b>42.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши</b>                                        | <b>20,4</b>    |
|            | шу жумладан:                                                                                |                |
|            | жорий харажатлар                                                                            | 17,4           |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 3,0            |
| <b>43.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги</b>                          | <b>25,4</b>    |
|            | шу жумладан:                                                                                |                |
|            | жорий харажатлар                                                                            | 15,4           |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 10,0           |
| <b>44.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси</b>                                   | <b>304,2</b>   |
|            | шу жумладан:                                                                                |                |
|            | жорий харажатлар                                                                            | 304,2          |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар |                |
| <b>45.</b> | <b>Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси</b>                                                | <b>429,1</b>   |
|            | шу жумладан:                                                                                |                |
|            | жорий харажатлар                                                                            | 379,1          |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 50,0           |
| <b>46.</b> | <b>Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги</b>                                                  | <b>26,7</b>    |
|            | шу жумладан:                                                                                |                |
|            | жорий харажатлар                                                                            | 20,3           |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 6,4            |
| <b>47.</b> | <b>«Ўзархив» агентлиги</b>                                                                  | <b>8,4</b>     |
|            | шу жумладан:                                                                                |                |
|            | жорий харажатлар                                                                            | 8,4            |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар |                |
| <b>48.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси</b>                   | <b>2,2</b>     |
|            | шу жумладан:                                                                                |                |

| Т/р        | Кўрсаткичлар                                                                                   | Сумма           |
|------------|------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------|
|            | жорий харажатлар                                                                               | 2,2             |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш)<br>ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар |                 |
| <b>49.</b> | <b>Республика Маънавият ва маърифат маркази</b>                                                | <b>7,0</b>      |
|            | шу жумладан:                                                                                   |                 |
|            | жорий харажатлар                                                                               | 7,0             |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш)<br>ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар |                 |
| <b>50.</b> | <b>Гидрометеорология хизмати маркази</b>                                                       | <b>128,2</b>    |
|            | шу жумладан:                                                                                   |                 |
|            | жорий харажатлар                                                                               | 117,2           |
|            | шундан:                                                                                        |                 |
|            | ривожлантириш дастурлари учун харажатлар                                                       | 17,1            |
|            | Гидрометеорология хизмати марказининг моддий-техника<br>базасини мустаҳкамлаш учун харажатлар  | 17,1            |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш)<br>ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 11,0            |
| <b>51.</b> | <b>Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази</b>                           | <b>9,6</b>      |
|            | шу жумладан:                                                                                   |                 |
|            | жорий харажатлар                                                                               | 9,6             |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш)<br>ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар |                 |
| <b>52.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги</b>                                          | <b>157,3</b>    |
|            | шу жумладан:                                                                                   |                 |
|            | жорий харажатлар                                                                               | 157,3           |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш)<br>ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар |                 |
| <b>53.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги</b>                    | <b>140,4</b>    |
|            | шу жумладан:                                                                                   |                 |
|            | жорий харажатлар                                                                               | 15,4            |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш)<br>ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар |                 |
|            | Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига<br>трансфертлар         | 125,0           |
| <b>54.</b> | <b>Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси</b>                                                 | <b>120,0</b>    |
|            | шу жумладан:                                                                                   |                 |
|            | жорий харажатлар                                                                               | 120,0           |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш)<br>ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар |                 |
| <b>55.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси</b>                                               | <b>257,7</b>    |
|            | шу жумладан:                                                                                   |                 |
|            | жорий харажатлар                                                                               | 222,5           |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш)<br>ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 35,2            |
| <b>56.</b> | <b>Бошқа ташкилотлар</b>                                                                       | <b>23 570,5</b> |
|            | шу жумладан:                                                                                   |                 |
|            | жорий харажатлар                                                                               | 22 365,5        |
|            | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш)<br>ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | 1 205,0         |

## Бюджет тақчиллиги ва уни қоплаш манбалари

2021 йилда иқтисодийётни босқичма-босқич тикланиши Консолидациялашган бюджет тақчиллиги **37 534,2 млрд сўм** миқдорида прогноз қилинмоқда (ЯИМга нисбатан 5,4%).

### КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИ, 2021 ЙИЛ УЧУН ПАРАМЕТРЛАР, МЛРД СЎМ

|                                                | Даромадлар       | Харажатлар       | Сальдо: профицит (+) / тақчиллик (-) |
|------------------------------------------------|------------------|------------------|--------------------------------------|
| Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари | 173 376,2        | 190 723,0        | -17 346,8                            |
| Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси               | 5 336,2          | 13 423,6         | -8 087,4                             |
| Ташқи қарз ҳисобига давлат дастурлари          |                  | 12 100,0         | -12 100,0                            |
| <b>Консолидациялашган бюджет</b>               | <b>178 712,4</b> | <b>216 246,6</b> | <b>-37 534,2</b>                     |


2021 йилдан бошлаб халқаро стандартларга мувофиқ ташқи қарз ҳисобига давлат дастурларини амалга ошириш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджети таркибига киритилмоқда.

Консолидациялашган бюджет тақчиллигини (**37,5 трлн сўм**) қоплаш ҳамда **7,8 трлн сўм** миқдоридаги Давлат қарзининг асосий қисмини сўндириш учун қуйидаги манбалардан фойдаланилади:

| Ташқи:                                                                                                                                                                                                                                                          | Ички:                                                                                                             | Йил бошига маблағлар қолдиғи:                                                                                                                                                                                      |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>■ халқаро молия институтларининг кредитлари – <b>9,4 трлн сўм</b></li> <li>■ еврооблигациялар – <b>9,3 трлн сўм</b></li> <li>■ давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун қарзлар – <b>12,1 трлн сўм</b></li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>■ давлат ғазначилик облигацияларини чиқариш – <b>5 трлн сўм</b></li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>■ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – <b>8,1 трлн сўм</b></li> <li>■ Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари – <b>1,4 трлн сўм</b></li> </ul> |

2020 йилдан бошлаб давлат қарзини (асосий қарзни) сўндириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таркибига киритилмайди. Қарздорлик асосий суммасини сўндириш бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларида акс эттирилмоқда.

### КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИНИ ҚОПЛАШ МАНБАЛАРИНИНГ ТАРКИБИ, 2021 ЙИЛ УЧУН ПАРАМЕТРЛАР, ТРЛН СЎМ




## 3


ДАВЛАТ  
ҚАРЗИ

Жами давлат қарзи 2021 йил якунида **28,3 млрд АҚШ доллари** миқдорида бўлиши прогноз қилинмоқда (ЯИМга нисбатан 45,3%). Ўсиш динамикасига қарамай давлат қарзи мўътадил бўлиб, макроиқтисодий барқарорликка хавфсиз даражада қолмоқда.

## ДАВЛАТ ҚАРЗИ ДИНАМИКАСИ (ЙИЛ ЯКУНИГА), ЯИМГА НИСБАТАН ФОИЗДА




## 2019-2021 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ ҚАРЗИ ТАРКИБИ, МЛРД АҚШ ДОЛЛАРИ



2020 йилда давлат қарзининг ўсиши COVID-19 пандемиясининг салбий оқибатларини бартараф қилишга қаратилган қўшимча бюджет харажатларини молиялаштириш мақсадида ташқи қарзни жалб қилиш билан боғлиқ бўлди.

## 01.01.2021 ЙИЛ ХОЛАТИГА ИҚТИСОДИЙ ТАРМОҚЛАР КЕСИМИДА ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ, МЛРД АҚШ ДОЛЛАРИ




2021 йил якунига давлат ташқи қарзи **25,7 млрд АҚШ доллари** ҳисобида прогноз қилинмоқда, шундан **18,6 млрд АҚШ доллари** – Ўзбекистон Республикаси номидан (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) ва **7,1 млрд АҚШ доллари** – Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинган.

### ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИНИНГ ДИНАМИКАСИ (ЙИЛ ЯКУНИГА), МЛРД АҚШ ДОЛЛАРИ




### ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХАРАЖАТЛАРИ, МЛРД АҚШ ДОЛЛАРИ



## ТАШҚИ ҚАРЗНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАФОЛАТИ ОСТИДА ЖАЛБ ҚИЛИНИШИГА ЧЕКЛОВЛАР (2020 ЙИЛДАН БОШЛАБ КИРИТИЛДИ)

| 2020 йил учун                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    | 2021 йил учун                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>Ташқи қарзларни Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилиниши бўйича янгидан имзоланаётган келишувлар умумий суммасининг чегаравий ҳажми 5,5 млрд АҚШ доллари миқдорида, жумладан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларни молиялаштиришга 2,5 млрд АҚШ доллари этиб белгиланди.</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ички ва ташқи қарзни жалб қилиш бўйича янгидан имзоланаётган келишувларнинг соф чегаравий ҳажми 5,5 млрд АҚШ доллари ҳисобида, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тақчиллигини молиялаштириш учун 2,2 млрд АҚШ доллари (давлат қимматли қоғозлари – 5 трлн сўм ҳисобида) ва инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга – 3,3 млрд АҚШ доллари ҳисобида бўлиши белгиланди.</li> <li>Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинаётган давлат қарзларига нисбатан <b>ЯИМ йиллик прогнозининг 60 фоизидан</b> ошмаган миқдорида чеклов белгиланди.</li> </ul> |

## ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯНГИДАН ИМЗОЛАНАЁТГАН КЕЛИШУВЛАР ҲАЖМИ (ЙИЛ ЯКУНИГА), МЛРД АҚШ ДОЛЛАРИ



Давлат қарзининг ўз вақтида ва тўлиқ сўндирилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳузурида Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси ташкил этилди.<sup>1</sup>

### Кафолат жамғармаси маблағларидан фойдаланиш йўналишлари



Қарздор ташкилотлар тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда давлат қарзига хизмат кўрсатиш



Фоиз билан боғлиқ хатарларни бартараф этиш. Чет эл валютасида жалб қилинган ва миллий валюта ҳамда чет эл валютасида берилган кредитларнинг фоиз тўловлари ўртасидаги ижобий фарқ Кафолат жамғармасида жамланади ва валюта курси ўзгариши таъсирида юзага келадиган тафовутлар ушбу маблағлар ҳисобига қопланади



Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш

### Кафолат жамғармаси

Давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилган лойиҳа ва дастурлар бўйича қарздор ташкилотлар ёки қайта молиялаштирувчи банклар ўз қарз тўловларини вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда қарздорликни қоплаш\*

Қарздор ташкилотлар ёки қайта молиялаштирувчи банкларга ҳисобланган пеня ва жарима тўловларини қоплаш

*\*Кафолат жамғармаси маблағлари етарли бўлмаган тақдирда қарздорлик Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ҳамда маблағларни келгусида Давлат бюджетига қайтарилиши орқали қопланади..*

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳузурида Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 573-сон қарори.



# МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР

2020 йилдан бошлаб маҳаллий давлат органларининг маҳаллий бюджетларни шакллантириш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари**

келгуси йил учун мўлжалланган тегишли бюджет лойиҳаларини киритади

**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари**

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**2021 ЙИЛ УЧУН ҚОРАҚАЛПОЎИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЮДЖЕТИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ, ХАРАЖАТЛАРИ ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ БЮДЖЕТЛАРАРО ТРАНСФЕРТЛАРИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИ, МЛРД СЎМ**

| №           | Худудлар                     | Даромадлар*     | Харажатлар**    | Тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар |
|-------------|------------------------------|-----------------|-----------------|--------------------------------------------|
| 1           | Қорақалпоғистон Республикаси | 1 614,2         | 2 915,6         | 1 301,4                                    |
| 2           | Андижон вилояти              | 2 352,2         | 3 228,8         | 876,7                                      |
| 3           | Бухоро вилояти               | 1 935,4         | 2 375,4         | 440,0                                      |
| 4           | Жиззах вилояти               | 1 212,9         | 1 702,9         | 490,0                                      |
| 5           | Қашқадарё вилояти            | 2 570,3         | 4 147,6         | 1 577,3                                    |
| 6           | Навоий вилояти               | 1 535,8         | 1 535,8         |                                            |
| 7           | Наманган вилояти             | 1 970,6         | 3 254,5         | 1 284,0                                    |
| 8           | Самарқанд вилояти            | 2 657,0         | 3 759,7         | 1 102,7                                    |
| 9           | Сурхондарё вилояти           | 1 754,7         | 3 048,3         | 1 293,6                                    |
| 10          | Сирдарё вилояти              | 745,7           | 1 279,9         | 534,3                                      |
| 11          | Тошкент вилояти              | 3 009,8         | 3 009,8         |                                            |
| 12          | Фарғона вилояти              | 2 904,9         | 3 815,0         | 910,1                                      |
| 13          | Хоразм вилояти               | 1 442,7         | 2 075,6         | 632,9                                      |
| 14          | Тошкент шаҳри                | 4 068,6         | 4 068,6         |                                            |
| <b>Жами</b> |                              | <b>29 774,7</b> | <b>40 217,6</b> | <b>10 443,0</b>                            |

\*) Мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулотли, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан ажратиладиган маблағларни ҳисобга олган ҳолда.

\*\*) Маҳаллий бюджетлардан сўндириладиган давлат қарзига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда.



# АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

**Бюджетдан ажратиладиган маблағлар** – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар учун назарда тутиладиган пул маблағларидир.

**Бюджет тизими бюджетлари** – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари.

**Бюджет йили** – тасдиқланган бюджет ижроси амалга ошириладиган давр.

**Қорақалпоғистон Республикаси бюджети** – Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми ҳисобланиб, молия йили мобайнида даромад манбалари ва миқдорларини ҳамда харажатлар йўналишлари ва миқдорларини назарда тутади.

**Бюджет таснифи** – бу барча даражалардаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини, шунингдек, бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларини ва давлат қарзи турларини бир хил турдаги белгилар бўйича гуруҳларга бўлиниши.

**Бюджет ташкилоти** – Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб турилувчи, давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган нотижорат ташкилотдир.

**Натижага йўналтирилган бюджет** – молиялаштириш тузилмаси ва ҳажмларининг бюджет маблағлари олувчиларнинг фаолияти натижалари билан боғлиқ бўлган бюджетни режалаштириш тизими.

**Бюджет жараёни** – бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг шакллантирилишини, тузилишини ҳамда ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни.

**Ялпи ички маҳсулот** – бу мамлакат ҳудудида бир йил давомида ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг умумий бозор қиймати.

**Давлат бюджети** – давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси.

**Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш** – активларни хориж манбаларидан (чет давлатлардан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этилиши ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.

### **Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш**

– активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этилиши ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.

### **Давлат томонидан маблағ жалб қилиш**

– активларни жалб этилиши ва бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи-резидентларнинг кредитларини (қарзларини) тўлашга кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келишидир.

### **Давлат ғазначилик облигациялари**

– бу аҳоли ва юридик шахслар ўртасида жойлаштириладиган ва пул маблағларини сақловчилар томонидан уларнинг бюджетга киритилишини тасдиқлайдиган ва ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилиш муддати давомида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини берадиган давлат қимматли қоғозларидир.

### **Давлат бюджети тақчиллиги**

– муайян даврда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетиши.

### **Давлат бюджетининг бирламчи тақчиллиги**

– бу муайян даврда Давлат бюджети харажатларидан давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловларини чиқариб ташлаган ҳолда ҳисобланадиган Давлат бюджети тақчиллиги.

### **Ғазначилик**

– Давлат бюджетининг ижросини амалга оширувчи махсус ваколатли молия органи.

### **Консолидациялашган бюджет**

– бюджет тизими бюджетларининг барча тушумларини ҳамда харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш мақсадида шакллантириладиган бюджет. Консолидациялашган бюджет таркибига Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари

ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари кирази.

### **Бюджетлараро трансфертлар**

– Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган маблағлар.

### **Маҳаллий бюджет**

– Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

### **Солиқ имтиёзлари**

– солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, шунингдек, солиқ тўловчи учун солиқ юкини бошқача тарзда юмшатишдир.

### **Умумий фискал баланс**

– Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини ҳамда давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган қарз маблағлари эвазига амалга ошириладиган харажатларни ўз ичига олган жамланма баланс.

### **Қарзга хизмат кўрсатиш**

– қарз (қарзлар) бўйича қарз мажбуриятларини, шу жумладан, қарздорликнинг асосий қисми, фоизлар, воситачилик ҳақи ва жарималарни тўлаш бўйича мажбуриятни узиш учун умумий тўловлардир.

### **Бюджет маблағларини олувчи**

– Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағлар олувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

**Дастурли бюджетлаштириш** — истиқболли давлат дастурларини ҳисобга олган ҳолда, стратегик мақсадлар асосида ишлаб чиқиладиган дастурларни амалга ошириш натижалари билан давлат харажатларини тақсимлаш жараёнининг боғлиқлигини таъминловчи бюджетни шакллантириш, ижро этиш ва ижросини назорат қилиш методологияси.

**Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қонун билан белгиланган миқдорда ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс.

**Иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бириктириладиган ва ўзига ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс.

**Республика бюджети** — Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва уларга тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнидаги маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Харажатлар сметаси** — бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағларини олувчи томонидан молия йили учун тузиладиган, назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг харажатлар моддалари бўйича акс эттириладиган ҳужжатдир.

**Ўрта муддатли бюджет мўлжаллари** — асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни ва бюджетнинг агрегацияланган параметрлари лойиҳаини, функционал тасниф бўйича харажатлар лимитларини, хавф-хатарларни ва уларни бошқариш чора-тадбирларини ўз ичига олувчи 3 йилга мўлжалланган молиявий ҳужжат (режа).

**Ҳудудий молия органлари** — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимларидир.

**Молия йили** — биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи даврдир.

**Фискал сиёсат** — давлатнинг солиқ солиш ва бюджет харажатлари соҳасидаги иқтисодиётни тартибга солиш мақсадида олиб борадиган сиёсати

**Фискал қоидалар** — давлат молияси ҳолатини, яъни Давлат бюджети тақчиллиги, давлат қарзи, янги қарзлар, давлат харажатлари ва даромадларини тавсифловчи миқдорий мақсадли мўлжаллар ва фискал индикаторлар орқали ифодаланадиган солиқ-бюджет сиёсатининг узоқ муддатли чекловлари.

**Фискал таваккалчиликлар** — бюджет жараёни иштирокчилари учун бюджет тизими бюджетлари маблағларини шакллантириш ва сарфлашда молиявий ресурслардаги йўқотишларни баҳолаш.

**Фискал стратегия** — ўрта муддатли даврга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

**Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси** — меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча ҳақлар, мукофот пуллари тўлаш учун харажатларни молиялаштирувчи аниқ мақсадли манбадир.

**Харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифи** — давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этилувчи асосий функциялар бўйича харажатларни гуруҳларга ажратилишидир.

**Харажатларнинг иқтисодий таснифи** — харажатларни иқтисодий йўналиши ва тўлов турлари бўйича гуруҳланишидир



# БЮДЖЕТ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

(БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР, БЮДЖЕТ ОЧИҚЛИГИ ВА БЮДЖЕТ ТАҚВИМИ)

| 2020                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | <p>БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ</p>  | <p>2021</p> <p><b>Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларни</b> кiritиш ҳисобидан бюджетлараро трансфертларнинг шаклини кенгайтириш.</p> <p>Бюджет ссудаси шаклидаги бюджетлараро трансфертларни тақдим этиш тартибини қайта қўриб чиқиш.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | <p>МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРГА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ЧЕКЛОВЛАР</p>                                                                                | <p>Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини қабул қилиш ҳамда ижро этишда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириш манбаси аниқ бўлмасдан бошланган тадбирларни молиялаштиришга ва (ёки) параллель лойиҳалаштириш, тендер савдоларини ўтказмасдан амалга оширилган қуриш ва таъмирлаш ишларини молиялаштиришга йўл қўйилмайди.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |
|                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | <p>БЮДЖЕТ ТўҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ</p>                                                                          | <p>Бюджет кодексида Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартиби мустаҳкамлаб қўйилди.</p> <p>Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузиш бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланиб, белгиланган тартибда маъмурий жаримага тортиш белгиланган.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |
| <p>Молия вазирлиги <b>ҳар йили 15 апрелга қадар</b> келгуси давр учун бюджет сўровини тузиш тартибини юборади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• бюджет маблағларини тақсимловчиларга – республика бюджети лойиҳасини тайёрлаш учун;</li> <li>• маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари – маҳаллий бюджет лойиҳасини тайёрлаш учун.</li> </ul> | <p>БЮДЖЕТ ТАҚВИМИ</p>                            | <p>Молия вазирлиги томонидан фискал стратегия ишлаб чиқилади. Фискал стратегияни ишлаб чиқиш учун Молия вазирлигига қуйидагилар тақдим этилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>ҳар йили 15 апрелга қадар</b> – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан – ўрта муддатли давр учун камида иккита сценарийдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозининг дастлабки баҳоси;</li> <li>• <b>ҳар йили 1 майга қадар</b> – биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан зарур бўлган маблағлар тўғрисидаги дастлабки таклифлар;</li> <li>• <b>ҳар йили 1 майга қадар</b> – давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан ўрта муддатли давр учун давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлар прогнозлари ва харажатларнинг дастлабки миқдорлари республика</li> </ul> |

Молия вазирлиги **ҳар йили 15 апрелга қадар** Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, вазирликлар ва идоралар Давлат бюджет-и лойиҳасининг даромадлар қисми бўйича таклифларини тақдим этишлари юзасидан сўров юборади.

Бюджет маблағларини тақсимловчилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар келгуси давр **учун бюджет сўровини тузиш тартибини олгандан сўнг уч иш куни ичида** тегишли бюджет сўровларини тузиш тўғрисида ва уларни тайёрлаш муддатларини белгилаш ҳақида қарорлар қабул қилади.

#### Бюджет сўровларини тақдим этиш муддатлари

- **жорий йилнинг 1 июлигача** – келгуси йил учун бюджет сўровларини киритиш;
- **жорий йилнинг 1 июлидан кечикмасдан** – келгуси молия йил учун маҳаллий бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига;
- **жорий йилнинг 15 июнигача** – Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, бошқа вазирликлар ҳамда идоралар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Молия вазирлигига ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга.

бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг дастлабки миқдорлари бўйича таклифлар;

- **ҳар йили 1 майга қадар** – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг дастлабки миқдорлари;
- **ҳар йили 15 майга қадар** – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, шунингдек идоралар томонидан амалдаги солиқ-бюджет сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ўрта муддатли давр учун Давлат бюджетига солиқ ва божхона тушумларининг прогнозлари бўйича ҳисоб-китоблар;

Фискал стратегияни ишлаб чиқишда келгусидаги ўрта муддатли давр учун биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган, шунингдек маҳаллий бюджетларга капитал қўйилмаларга ажратиладиган харажатларнинг чекланган миқдорларини белгилайди.

Келгуси йил учун янгиланган Фискал стратегия:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига **жорий йилнинг 1 июнига қадар** киритилади;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида **жорий йилнинг 15 июнига қадар** муҳокама қилинади ва тасдиқланади;

Фискал стратегия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан кейин беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йили учун:

- республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг ва капитал қўйилмалар бўйича харажатларнинг чекланган миқдорлари;
- республика бюджетидан маҳаллий бюджетларига ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг ва капитал қўйилмалар бўйича харажатларнинг чекланган миқдорлари;
- республика бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган трансфертларнинг чекланган миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни етказди.

Бюджет сўровларини тақдим этиш муддатлари

- **жорий йилнинг 1 августига қадар** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджет сўровларини киритиш;
- **жорий йилнинг 1 августидан кечикмасдан** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига келгуси молия йили учун маҳаллий бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларининг лойиҳаларини киритиш;
- **жорий йилнинг 15 августига қадар** – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ўрта муддатли давр учун макроиқтисодий кўрсаткичларнинг аниқлаштирилган прогнозларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига;
- **жорий йилнинг 20 августигача** – Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Молия вазирлигига ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга.

# БОҒЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТ



## Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

МАСЪУЛ БОШҚАРМА:

### Давлат бюджети департаменти



РАСМИЙ ВЕБ-САЙТ  
<https://www.mf.uz>

ПОРТАЛ “ОЧИҚ БЮДЖЕТ”  
<https://openbudget.uz>



ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛ  
[info@mf.uz](mailto:info@mf.uz) (фақат жамоатчилик билан алоқа учун)  
[mf@exat.uz](mailto:mf@exat.uz) (фақат идоралараро ва ҳукумат корреспонденцияси учун)



ТЕЛЕФОНЛАР  
Оғзаки мурожаатларни қабул қилиш масалалари, раҳбарият қабулига ёзилиш:  
(998 71) 239-12-31

**Матбуот хизмати:**  
(998 71) 239-40-31

**Ҳукумат хат-хабарлари бўйича назорат, маълумотлар бўлими:**  
(998 71) 239-40-31

**Девонхона:**  
(998 71) 239-12-52  
(998 71) 239-15-69

**Факс:**  
(998 71) 244-56-43



МАНЗИЛ:  
Тошкент ш. Истиқлол кўчаси 29, 100017, Ўзбекистон.  
Мўлжал: Мустақиллик майдони.

БМТТД ва ЎзР Молия вазирлигининг “Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш” қўшма лойиҳасини амалга ошириш дастури доирасида тайёрланди.